



ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАННИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ

Инновационное развитие современной науки



Республика миқёсидаги
илмий-амалий анжуман
тўплами



**“ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАННИНГ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ” МАВЗУСИДА
РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАН**

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

**I, II, III, IV
ШҮЙБА**

Мулкни эхтиёт қилиб сақлад, ўз эхтиёжи учун ишлатса, бу ёмон иш - ҳисобланмайди...” (Үша асар, 47-бет.)

Бу күрсатмаларнинг аҳамияти бугунги кунда жуда ҳам катта. Зоро, одамлар энди, мустақиллик ва демократия туфайли мулкдор бўлмоқдалар. Бироқ мулкдор бўлиш бошқа-ю, мулкни эхтиёт қилиб, ўзи ва жамияти учун самарали фойдаланиш ундан ҳам муҳим.

Алишер Навоийнинг иқтисодий тарбия масалалари оид ғоялари 1482 йилда ёзилган “Вақфия” ва 1500 йилда ёзилган “Махбуб-ул-қулуб” асарларида баён этилган. Алишер Навоий маҳсулотни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эхтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга чақиради. Бундан ташқари маҳсулотни яратишида меҳнатнинг ролига ва ишлаб чиқариш воситаларининг иштирокига алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга бойликни ҳалол меҳнат билан топиш, тўплаш ва фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.⁴²

Аристотелдан бошлаб бутун дунёning, жумладан Ўрта Осиёning кўпгина олимлари иқтисодий тарбияни изчил ўрганиш асосида унинг кўпгина қонун-қоидаларини, тушунчаларини ёритиб берганлар.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВДА ЛТ ТИЗИМИ

**АндМИ, Катта ўқитувчиси Мирзаев Сарварбек Авазбекович
ЭЭЭ йўналиши талабаси Абдуллажонов Нурали**

Хозирги даврда ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришда замонавий чет эл усул ва принциплари жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бошқарувни чет эл тажрибаси ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш, йўқотишларни олдини олиш ва вақтни тежашнинг самарали усули бўлиб ҳизмат қилади. Бу ҳозирги вақтда ўта муҳим ҳисобланибгина қолмай бошқарувда жуда керакли методлар бўлиб қолмоқда.

Сиз ушбу мақолада ЛТ яъни just in time тизими ҳақида билиб оласиз. Аниқ вақтда (инг. Just-in-Time, ЛТ) Тойота ишлаб чиқариш тизимининг асосий устунларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усулидир. Аслида бу тизим ишлаб чиқариш жараёнида йиғиш учун зарур бўлган вақтда ҳамда ишлаб чиқариш линиясида керакли миқдорда зарурлигини кўрсатиб беришда кўлланилади. Ушбу принцип корхонада захирани камайтирида ёки захирани умуман йўқ бўлиш холатига келтиради, бу эса керагидан ортиқча захирасиз ишлашга олиб келади. Ушбу фаолиятни кам сарф ҳаражат билан амалга ошириш учун, фақат керакли захираларга эга бўлиш, сифатни нол нуқсонлар ҳолатига яхшилаш, ускунанинг ишлаш вақтини қисқартириш, ишлаб чиқаришга кетадиган вақт циклини камайтириш ҳамда жараённи аста-секин ўзгартириш керак.

⁴² А.Раззоқов., Ш.Тошматов., Н.Ўрмонов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: «Молия». 2002., 89-90-бет.

Аниқ вактда усули 1954 йилда Тойота компанияси томонидан ишлаб чиқылған. Бу тизим Японияда иқтисодий чекловлар пайтида вужудга келген. Чунки у пайтда ресурслар жуда оз бўлган ундан ташқари кўчмас мулк жуда юқори нархда бўлганлиги сабабли, япон фирмалари ортиқча захирасиз ишлашга харакат қилишган. Усулнинг самарадорлиги 1973 йилда Тойота компаниясининг (Япония нефт инқирози вақти) давом этиши орқали тасдиқланди.

ЛТ қўллаш иловаси:

- Ишлаб чиқариш майдонида – ЛТ асосида ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олади;
- ЛТ савдо соҳасида – истеъмолчилар онлайн ахборот тизимлари орқали кўп бериладиган саволларга жавобни вақтида беришни таъминлайди.

ЛТ тизими учта асосий тамойилга асосланган:

1. Ишлаб чиқаришни тортиб олиш тизими (pull-принципи);
2. Ишлаб чиқаришни узлуксиз оқими;
3. Такт вақти.

Япония бошқаруви “ЛТ” принципи кутилмаган учта омилларни олдини олишга эришади:

MUDA - йўқотишлар.

MURA – мувозанат, биртекисдамаслик.

MURI – ортиқча, керагидан ортиқча нарса.

Йўқотишларни олдини олиш:

- 1 қадам: Материалларни оқимдаги харакат тизимини жорий қилиш.
- 2 қадам: Қайта созлаш (ўтказиш) вақтини камайтиради.
- 3 қадам: Унумдорликни тизимли ўстиради.
- 4 қадам: Ишлаб чиқариш партиясини ҳажмини қисқартиради.
- 5 қадам: ЛТ ишлаб чиқаришда етказиб берувчиларни рафбатлантиради.

Ушбу тизимни қўллаш учун қўйидаги функциялар мавжуд:

Белгилар	Таърифи
Ишлаб чиқариш дастури	Доимий талаб (жуда кам ўзгарувчан)
Турап жой / майдон	Мавжуд жойлар кенгайиши керак / дикқат: ЛТ омборда сақланадиган нарса майдон билан таққосланиши керак.
Жараён	Қисқа вақт ўрнатиш, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлиши керак.
Қуввати	Мослашувчан қувват захираларининг мавжудлиги
Квалификация, малака, маҳорат	Бу жараёнда бандликнинг энг муҳим шарти – 100% малака даражаси.
Режалаштириш	a) ЛТ томонидан марказий тарзда назорат қилинган қисмларни ишлаб чиқариш дастури; б) kanban билан марказлашмаган бошқарув қисмлари.
Таъминот (Поставка)	Товар етказиб берилмаганда, белгиланган етказиб берувчилар билан алоқани таъминлаш.

ЛТ тизимининг якуний мақсади мувозанатли тизимдир; яъни тизим орқали материалларнинг бир текисда кетишини ва оқимини тезлигини таъминлаш имконини беради. Асосий ғояси, бу жараённи имкон қадар қисқа вақт ичидә, ресурсларни энг мақбул тарзда фойдаланишдир.

Технологик ўзгаришлар барча рўйхатдаги операциялар орасида энг қимматли ҳисобланади. ЛТ тизимлари бундай операциялар сони ва частотасини камайтириш орқали харажатларни камайтиради. Мисол учун, етказиб берувчи маҳсулотни бевосита ишлаб чиқаришга етказиб беради ва омборларни бутунлай четлаб ўтади ҳамда материалларни омборга жойлаштириш билан боғлиқ ишларни бекор қиласи ва уларни ишлаб чиқариш жойларига кўчиради.

Чет эл корхоналари хозирги кунда ишлаб чиқаришни захирасиз тизимиға ўтишни тақдим қилишмоқда, бу эса омборсиз ишлаш деганидир. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарига омбор ташкил қилиш бу қўшимча маблағни сарф қилишга олиб келади, натижада сарф харажатни ошириб йўқотишларга ошишига олиб келади. ЛТ тизимининг асосий мақсади ҳам шудир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг республикамизда фаолият олиб бораётган ишлаб чиқариш корхоналари ушбу тизимни ўзида тақдим қилса қўшимча харажат, ресурс, йўқотишлар ҳамда ортиқча вақт сарфини камайтиришга эришади. Ушбу тизимни фаолиятингизга тақдим қилиб юксак мэрраларга эришишингиз мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тайити Оно. Производственная система Тойоты. Уход от массового производства. Перевод с английского. Москва, 2005.

авлоднинг гармоник ривожланиши ва дунёқарашини шакллантиришда, ижтимоий ҳаётнинг негизи бўлган иқтисодий жараёнларни, унинг шакл ва мазмуний ўзгаришларини, мамлакатимиздаги ресурслардан самарали фойдаланиб, миллий бойлигимизни кўпайтириш йўл-йўриқлари руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳаёт сирларини билиш ва шу йўлдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, уни кишиларга керак бўлган томонга йўналтиришга ижобий таъсир этиш заруриятидан келиб чиққан.

Иқтисодий тарбияга оид билимлар антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотель асарларида, шунингдек қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё олимларининг асарларида қараб чиқилган эди.

Биз узоққа бормасдан минг йиллар оша бизга етиб келган “Авесто” асарини, “Қуръони Карим”ни, ҳадисларни, “Қобуснома”ни, Ибн Халдун асарларини, боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларини ўқир эканмиз, уларда инсоннинг яшashi учун табиат эҳсонлари етарли эмаслиги, ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта уқтирилганлигига яна бир карра амин бўламиз. Жумладан, “Авесто” асари бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя ва истиқтол мағкурасини шакллантиришнинг жуда муҳим илмий-маърифий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Асарни ўрганиш асосида шундай холосага келдикки, биринчидан, унда энг қадимги дунё иқтисодий тарбиялари мана шу бизнинг Ўзбекистонимиз заминида илк бор вужудга келганлигига тўла ишонч ҳосил қилинди, иккинчидан, унда илгари сурилган ғоялар, гарчи уларнинг тарихи 3000 йилдан ҳам олдинроққа бориб тақалсада, бугунги иқтисодий ислоҳотларимиз ғоялари билан, ўтказилаётган иқтисодий сиёсатимиз билан рамзий ҳамоҳанг эканлигига иймонимиз комил бўлди.

Дарҳақиқат “Авесто” асарида мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан, умумий иқтисодий қадриятларимиз билан ҳамоҳанг бўлган бир қатор иқтисодий қарашлар баён этилган. Асарда уч эзгулик ғояси илгари сурилган бўлиб, уларнинг бирламчиси ҳалол ва унумли меҳнат қилиш, яратувчилик амали энг олийсидир. Китобда ижтимоий меҳнат тақсимоти ғояси илгари сурилиб, у қадимги дунёда ижтимоий меҳнат тақсимотининг реал ва самарали шакли “жамоа бўлиб ишлаш” эканлиги уқтирилади. Китобда ёшларнинг касб-хунар эгаллаш, оила куриш ва унинг иқтисоди ғоялари ҳам пишиқ-пухта ишланган иқтисодий таълимотлардан бири эканлигини алоҳида қайд этилишга лойиқдир.

“Авесто” асаридаги мулқдор бўлишлик, мулқдорлик масъулияти ва манфаати ғояси ҳам, айтиш мумкинки, фундаментал ишланган иқтисодий қарашлардандир. Асарда эҳтиёжлар масаласи, уларнинг қондирилиш воситалари ҳақидаги қарашлар ҳам ғоят қимматлидир.